МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 5 июль,
№56 (1023)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ҒУРУР

## Ободлик ва фаровонлик юрт кўркига муносиб

***Муҳтарам Юртбошимизнинг матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқимиз руҳиятини, кайфиятини янада кўтариб, янги ютуқлар сари илҳомлантирди.***

**Аваз ИБРОҲИМОВ,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**



Миллий истиқлолимизнинг шонли йигирма уч йиллик тарихи мобайнида шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилган бунёдкорликларнинг файзу шавқи юртдошларимиз чеҳраларига кўчгандек гўё. Ажиб бир хушнудлик, мамнунлик кўзларда, сўзларда акс этиб, ифода топмоқда.

Қарорда юртимиз қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, тобора обод бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этишга доир режа ва дастурларнинг ижтимоий аҳамияти ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, бугун халқимиз ана шундай обод масканларда мамлакатимиздаги барқарор тинчлик-осойишталик туфайли хотиржам яшаб, фарзандлари бахти, камоли йўлида меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинимизга қарашли «Боғишамол» маҳалласига келсангиз юқоридаги таъриф-тавсифларимизга ўзингиз шоҳид бўласиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури амалга оширила бошлангандан буён маҳалламизда 700 тадан зиёд шинам уй-жой барпо этилди. Арзон нархларда, банкнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари эвазига ёш оилалар уйли-жойли бўлишмоқда. Барча замонавий қулайликлар муҳайё этилганидан, айниқса, бу уйларнинг бекалари беҳад шод.

Янги уйлар қаторида маҳалла гузари, бозор, савдо ва маиший хизмат дўконлари, банк шохобчаси, болалар майдончаси, тиббиёт муассасаси, кенг ва равон кўчалар, бекатлар қурилди. Ҳудудда яратилган бундай шарт-шароитлар шаҳар маҳаллаларидаги қулайликлардан асло қолишмайди.

Қарорда таъкидланганидек, асосан бу йилги байрамимизни «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида кенг нишонлашга ҳозирлик кўряпмиз. Зеро, дунё кенг, бироқ Ўзбекистонимиз ягона. Биз Ватанимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бунга юртимизнинг бой ўтмиши, равнақ топаётган бугуни, порлоқ истиқболи тўла асос бўлади.

## Мамлакатларни боғловчи кўприк

**ПЕКИН, 4 июль. ЎзА махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА хабар қилади.**

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди. Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси томонидан ташкил этилган анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркиянинг элликка яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Хонг Лей билан учрашди.

Хонг Лей Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитидаги иштироки ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ривожида янги босқич бўлганини қайд этди.

— Ўзбекистон Марказий Осиё ва умуман Буюк ипак йўлидаги муҳим давлатдир, — деди Хонг Лей. — Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми барқарор ўсиб бораётганидан мамнунмиз. Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий, давлат ва жамият бошқаруви соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп.

Хитойлик ишбилармонлар билан учрашув Буюк ипак йўли мамлакатларининг, хусусан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича фикр алмашиш имконини берди. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси халқаро департаменти бош директори Чжэн Син мамлакатларимиз ўртасида ёқилғи-энергетика комплексида ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этди. Марказий Осиё — ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, балки табиий газни қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен — Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. Мулоқот чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида имзоланган шартнома асосида хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида мазкур довон йўли қурилиши бошлангани Ўзбекистон ва Хитой ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилгани ва муттасил тараққий этаётганининг ёрқин далили экани қайд этилди.

**ЎзА.**

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН



## Истиқболли лойиҳалар юксак тараққиёт кафолатидир

***Бугун Навоий вилоятининг юксалиш ва янгиланишлар жараёнидаги айниқса, иқтисодий соҳадаги ютуқлари алоҳида эътирофга лойиқ.***

**Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона»си ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди», дея таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига асосан бунёд этилган мазкур иқтисодий ҳудуд истиқлол тухфа этган имкониятлардан бири бўлди. Натижада вилоятнинг саноат салоҳияти янада ортди, хорижлик ҳамкорлар сафи кенгайди, маҳсулот турлари кўпайди, энг муҳими, янги иш ўринлари ташкил этилди.

> [3]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## Илғорликлар тажрибада ҳам илғор



*Фуқаролар йиғинлари қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияларнинг фаолияти келажак эгаларининг баркамол бўлиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.*

**Н. ҲУСАНОВА.**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида айни пайтда 476 нафар вояга етмаган ёш истиқомат қилади. Йиғиннинг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиясига Мактуба Зокирова раис. Комиссия аъзолари ёшлар билан тез тил топа оладиган, тарбия ишларида тажриба орттирган инсонлар.

— Ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди М.Зокирова. — Бу борадаги тадбирлар ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англаш, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ижтимоий фаол бўлишига замин яратмоқда. Комиссия аъзолари вояга етмаганлар ва ёшларни тадбиркорлик субъектларига, жумладан, уста-ҳунармандларга бириктириш йўлларини излаб топмоқдалар. Бу эса уларни касбга йўналтириш, ишбилармонлик қобилиятини шакллантиришда қўл келаётир.

> [2]

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

## Покиза бўлса уйинг, нурга тўлади кўнглинг

***Тоза ва озодаликка, саранжом-саришталикка риоя қилиш халқимизга хос фазилатлардан. Шу боис юртдошларимиз табиатида бунёдкорлик ва яратувчанлик, озодалик ва ободликка интилиш иштиёқи доимо баланд.***

**Зулфия МЎМИНОВА.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги «Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда.

Мазкур ҳужжат ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида 140 та кам таъминланган оилага янги санитария маданияти мажмуаси қуриб беришга киришилди. Мажмуадан ҳаммом, кир ювиш, кийим алмаштириш хоналари, кир қуритиш учун махсус жой ва канализация ўрин олган. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ана шундай шинам мажмуага эга бўлаётган хонадон бекаларининг қувончи чексиз.

> [3]

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Юрт байроғин баланд тутган ўғлонлар

***Спорт тўгаракларида шуғулланиб, нафақат маҳалласи, балки юрти шаънини ҳимоя қилаётган ёш спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шўрчи тумани «Хайробод» маҳалласидан Нозимжон Умаров Таиланднинг Бангок шаҳрида ўтган Шарқ яккакураши бўйича мусобақада 30 кг. вазн бўйича олтин медални қўлга киритди.***

**Нигина ШОЕВА
«Mahalla»**

Нозимжон 2010 йили Йўлдош Ўринов раҳбарлигида спортнинг қўл жанги турини ўргана бошлади. Машғулотга келганидан қирқ кун ўтибоқ, у Сурхондарё вилояти мусобақаларида иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Дастлаб спортнинг қўл жанги билан шуғулланган Н.Умаров кейинчалик ўзи яшайдиган маҳалладаги Ҳусан Тешабоев раҳбарлигидаги Шарқ яккакураши тури — кёкушинкай каратэ тўгарагига қатнади. Айни кунда эса туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кикбоксинг йўналишида машғулотларга қатнамоқда.

> [4]

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

## Аҳиллик, тотувлик — қут-барака гарови

***Фарғона шаҳридаги 52-сонли «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини, асосан, кўп қаватли уйлардан иборат. Бу уйларда ўндан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг тили, эътиқоди, урф-одатлари бир-биридан фарқланса-да, мақсадлари ягона — эл тинчлиги, юрт ободлиги, фарзандлар камолоти.***

**Расул КАМОЛ
«Mahalla»**

— Эзгу мақсад йўлидаги ҳамжиҳатликни йиғинимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларида кўриш мумкин, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Мадарипов. — Эзгу амалларга ҳар бир миллат ва элат вакили ўз ҳиссасини қўшмоқда. Маҳалламизга ташриф буюрган киши гўзал Фарғонанинг бугунги қиёфасини кўриб, қалби фахр-ифтихорга тўлади. Замонавий инфратузилмага эга уйлар, сўлим масканлар, равон йўллар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мусиқали фавворалар тароватидан барча бирдек баҳраманд.

Ёзнинг сокин оқшомларида «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил оила», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзуларида учрашувлар, тадбирлар уюштириш анъанага айланган. Бу тадбирларни ўтказишда вилоятдаги миллий маданият марказлари бош-қош. Миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар бардавомлиги, уларни асраб-авайлаш, сайқал топтиришда ҳам барча миллат вакиллари ҳамжиҳат.

Тотувлик бор жойда қут-барака, фаровонлик бўлади. Маҳаллада хайрли ташаббуслар кўрсатиб, кўпга нафи тегаётган саховатли инсонлар талайгина. Рус миллатига мансуб тадбиркор Лариса Носова ҳомийлигида маҳалла ҳудудида 9 турдаги спорт анжомлари билан жиҳозланган болалар майдончаси қурилди. Айни пайтда бу ерда турли миллат ва элат вакилларининг фарзандлари спортнинг турли йўналишларида машғулотларга қатнашмоқда.

Раиснинг таъкидлашича, маҳаллада якка-ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилардан ҳол-аҳвол сўраш, оғир кунларда уларга елкадош бўлиш эзгу анъанага айланган. Яқинда Пушкин кўчаси 60-уй 23-хонадонда яшаётган Венера Ҳабибуллинанинг даволаниб, оёққа туришида маҳалла аҳли амалий кўмак кўрсатди.

— Мен озод ва обод юртда яшаётганимдан, бағрикенг кишилар билан замондошлигимдан фахрланаман, — дейди Елена Боброва. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, осойишталик, миллатлараро тотувлик, ободликни кўриб кўнгил яйрайди. Шу заминда, яхши инсонлар орасида яшаётганимдан ғурурланаман. Маҳалла фаоллари ҳар куни йўқлаб чиқишади. Боқувчисини йўқотган мендек қарияларга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мунтазам етказиб берилмоқда. Саховатпеша кишиларнинг амалий ёрдами, қалб қўрини ҳис қилиб яшаяпмиз.

Ҳа, уч ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган «Гулзор» бугун чинакам гулзорга айланган. Буни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Зеро, аҳиллик, тотувлик қут-барака гаровидир.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# Юрт байроғин баланд тутган ўғлонлар



< [1]

Ёш бўлишига қарамай спортчи кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан, у 2013 йили Тошкент шаҳрида МДҲ мамлакатлари ўртасида ўтказилган Осиё очиқ чемпионатида 1-ўринни, ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни қўлга киритиб, Термиз шаҳрида якунланган республика биринчилигининг мутлақ ғолибига айланди. Шунингдек, Нозимжон комбат айкидо бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон кубогида иштирок этиб, 2-ўринни эгаллади. Самарқандда ўтган республика чемпионатида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Жорий йил Бухорода 2000-2001 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги Республика очиқ биринчилигида 2-ўринга муносиб топилган Нозимжон Самарқанд очиқ чемпионатида 1-ўринни қўлга киритди.

Айни кунларда тумандаги 36-умумтаълим мактабининг 5-синфини битирган қаҳрамонимиз билимга чанқоқлиги, изланувчанлиги билан тенгдошларидан ажралиб туради.

— Таиландда ўтган жаҳон чемпионатида 40 дан ортиқ давлатдан 2 минг нафардан зиёд спортчи иштирок этди, — дейди жаҳон чемпиони Нозимжон Умаров. — Унда мамлакатимиздан 28 нафар спортчи қатнашди. Дастлаб Канада вакили устидан ғалаба қозонган бўлсам, кейин Бразилия вакилини таслим қилдим. Чемпионат финалида конголик рақибимни 20 секундда енгдим. Мамлакатимиз спортчиларидан 8 нафари олтин, 5 нафари кумуш ва 1 нафари бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгалладик.

Дарҳақиқат, Нозимжон сингари спортни кундалик юмушига айлантирган соғлом, бақувват ва ҳар томонлама етук ёшлар юртимиз шарафини жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётгани қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта.

ФОНД КЎМАГИДА

# Қувончли, завқли ва оромбахш лаҳзалар

***Ёз фаслини болажонлар жуда ёқтиришади. Чунки ҳароратли кунларда улар таътилни сўлим масканларда ўтказишади-да.***

■ **Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»**



Республикамизнинг барча вилоятларида ёз мавсумини пухта ташкил этиш бўйича кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бахмал тумани бўлинмаси томонидан уч миллион икки юз олтмиш минг сўм маблағ ажратилди.

Тумандаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган «Парвоз», «Қуёшжон», «Лола», «Шабада», «Тоғ лоласи» каби кундузги оромгоҳларда эҳтиёжманд оилаларнинг эллик тўрт нафар фарзанди мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

— Фонднинг туман бўлинмаси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига кўрсатилаётган ёрдам таътил кунларининг мароқли ўтишини таъминламоқда, — дейди «Новқа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳомид Каримов. — Мавсум аввалида оромгоҳга борадиган болаларнинг рўйхати шакллантирилди. Ҳозирга қадар маҳалламиздаги 19 нафар кам таъминланган оиланинг фарзандлари дам олиш масканларига жўнатилди.

Оромгоҳларда турли амалий, тасвирий санъат, фанлар, тил ўргатиш тўгараклари ташкил этилган. Жаҳон ва ўзбек ёзувчиларининг бадиий асарлари жамланган кутубхонада мутолаа учун барча қулайликлар яратилган. Оромгоҳларни кўргазмали воситалар билан таъминлашда ҳам бўлинма яқиндан ёрдам берди.

Шунингдек, Фонднинг вилоят бўлими томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг 3 нафар фарзандига Жиззах туманидаги соғломлаштириш масканига йўлланма тақдим этилди.

ҚУЛАЙЛИК

# Вақт мазмунли, ҳордиқ мароқли ўтади

***Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Соҳибкор» маҳалласининг ёшлари ёзги таътилни мароқли ўтказишяпти. Яқинда барпо этилган спорт майдончаси ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди.***

■ **Гулшода РЎЗИҚУЛОВА.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида қурилиб, фойдаланишга топширилган майдончада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва спортнинг оммавий турлари билан шуғулланишлари учун зарур шароит яратилган.

Спорт майдончасини фойдаланишга топширишга бағишланган тадбирда маҳалла фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди. Юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни беқиёс эканини тадбир иштирокчилари алоҳида таъкидладилар.

— Туманимиздаги таълим муассасалари қошида 308 та спорт тўгараги ташкил этилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қибрай тумани бўлинмаси раиси Раҳматилла Толипов. — Таълим масканларида бўлганидек, маҳаллаларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган спорт майдончалари ҳам ёшларнинг таътилни сермазмун ўтказишларида асқотяпти. Қувонарлиси, туманимиздаги «Селекция» ва «Қизил шалола» маҳаллалари ёшлари ҳам энди шундай имкониятдан баҳраманд бўла бошлади.


## Ҳурматли юртдошлар!

## «Асака» банк (ОАЖ)

*қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади:*

миллий валютада:

### «ТАЪТИЛ — 2014»

*Омонат учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

### «БАРАКАЛИ»

*Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.*

### «ИМТИЁЗЛИ»

*Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.*

### «СОҒЛОМ АВЛОД»

*Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

хорижий валютада:

### «ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)

*Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.*

### «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

*Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: | Филиаллар номи: | Телефон рақамлари: |
| --- | --- | --- | --- |
| Тошкент шаҳар филиали | 371 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

Сизнинг омонатларингиз:
*— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
*— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
*— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
*— миқдори чекланмаган!*

**«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

***Хизматлар лицензияланган.***


ФЕСТИВАЛЬ

# Барчинойлар баҳс бойлашди



***Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу мақсадда юртимизда аёллар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

■ **Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»**

«Соғлом она — соғлом бола» шиори остида Навоий вилоятида ўтказилган аёллар спорт фестивали ҳам хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фестивалнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 300 нафардан зиёд аёл спортнинг 7 та тури бўйича беллашишди. Турфа касб соҳибалари мусобақаларда катта қизиқиш билан иштирок этишди.

Фестиваль якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Навоий шаҳри спортчи аёллари биринчи, конимехликлар иккинчи ва қизилтепаликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Шунингдек, Амударё туманида ҳам аёллар спорт фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди. Спортнинг 6 та тури бўйича ташкил этилган мусобақаларда ғолиблар аниқланиб, 19 нафар спортчи Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланмани қўлга киритди.


## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 56-банди ижросини таъминлаш ҳамда болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Болалар учун пойабзал» лойиҳаси доирасида барча ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари ва Мурувват уйлари учун ўн минг жуфт болаларнинг ёзги ва қишки пойабзалини тайёрловчи пудратчилар ўртасида

**«Маҳалла мурувват» МЧЖ**

**танлов эълон қилади.**

Танлов 2014 йилнинг 5 июлидан 12 июлига қадар давом этади ва унда қатнашиш истагини билдирган пудратчи (пойабзал тикишга ихтисослашган) ташкилотлар қуйидаги рақамларга телефон қилишлари мумкин.

**Боғланиш телефонлари: 247-98-42, (+998 98) 368-39-79.**
**Манзил: Тошкент шаҳри Учтепа тумани «Бекобод» маҳалласи Меҳмондўст кўчаси 26-уй.**


## Дунё бўйлаб

# Йўловчилар жароҳатланди

***Мисрнинг Искандария шаҳрида поездда рўй берган портлаш оқибатида тўққиз нафар киши жароҳатланди.***



«Agence France-Press»нинг маҳаллий хавфсизлик хизмати маълумотларига таяниб хабар беришича, бомба йўловчи ўриндиғи яқинида турган сумкада бўлган.

Ўтган ҳафта давомида Қоҳира метросида ҳам бир қанча портлашлар содир этилган ва оқибатда олти нафар киши жароҳатланганди. Ҳукумат бундай хатти-ҳаракатлар ортида «Мусулмон биродарлар» ташкилоти турганини баён қилмоқда. Бироқ мазкур гуруҳ портлашлардаги иштирокини қатъиян рад этиб келаётир.

# Интернетоманлар даволанади

***Хитойда интернетга боғланиб қолган ўсмирлар армия лагерларида даволанадиган бўлди.***



«Аждар юрти» интернетга боғланиб қолиш ҳолатини клиник касаллик сифатида эътироф этган дастлабки давлатлардандир. Бундай хасталик билан асосан ўсмирлар юзма-юз келмоқда. Шу боис ҳукумат ёшлар учун «тарбия» лагерлари ташкил қилаётир. Уларда оромгоҳнинг эмас, балки армиянинг тартиб-интизом руҳи ҳукмрон.

Ғоя муаллифлари қатъий тартиб, кўплаб жисмоний юкламалар ва эскича маиший мажбуриятлар интернетга тобе бўлиб қолган ўсмирларни монитордан чалғитишини таъкидламоқда. Бу ерда, албатта, психолог суҳбатидан ўтиш ва раҳбарларнинг барча буйруқларини сўзсиз бажариш талаб этилади. Уларни бажаришдан бош тортилса, нафақат итоатсиз ўсмир, балки бутун гуруҳ жазоланади. Дам олиш вақтида халқ рақсларини ўргатиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳукумат яқин орада жами 250 та ана шундай лагер ташкил этишни режалаштирмоқда.

■ **Интернет материаллари асосида Ф. КОМРОН тайёрлади.**


Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили:
**Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Индекс: **100083**

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20700 нусхада чоп этилди. Буюртма S-338 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Ватанни куйлаш бахти

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг ҳалол ва фидойи меҳнатини қадрлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови бу борадаги ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.***

**Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган мазкур ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида янги ҳаёт, янги жамият барпо этишга оид ислоҳотлар жараёнида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, турли соҳаларда кечаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, эришилган улкан ютуқларни юртдошларимиз онгу шуурига таъсирчан тарзда етказиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида Ватанимизнинг тараққиёт йўли ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий, тарғибот-ташвиқот ишлари дастури доирасида олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирокида туркум маънавий тадбирлар ўтказиш билан бирга ижодий танловлар, бадиий-фото кўргазмалар, учрашувлар, жонли мулоқотларни ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» танлови эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи тараннум этилган энг сара асарларни халқимизга тақдим этишдек мақсадни кўзлаши билан аҳамиятлидир. Ижодий беллашув мобайнида ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларининг шу мавзуга оид энг мукаммал асарларини саралашга жиддий эътибор қаратилади.

Йиғилишда мазкур танловга тайёргарлик кўриш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилиб, вазифалар белгилаб олинди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Илғорликлар тажрибада ҳам илғор



< [1]

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Назира Иноятова ҳам мазкур комиссия аъзоларига кўмакдош. Унинг таъкидлашича, фарзандларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, тарихий-маънавий меросимизга садоқат руҳида тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифасидир. Зотан, инсон онги ва қалбини эгаллаш учун тинимсиз кураш кечаётган глобаллашув даврида эртамиз эгаларини турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларда миллий ғоя тарғиботи орқали маънавий иммунитетни кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг сабабларини вақтида аниқлаб, бартараф этиш ҳам бир маҳалла фаолининг бурчидир.

Комиссия иш тартибини кузатганимизда, аъзолар бевосита туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ички ишлар органлари профилактика инспектори, хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда иш олиб бораётганига амин бўлдик. Бундай кенг қамровли, ҳамжиҳат ёндашув фаолият самарадорлигини ошириши шубҳасиз, албатта.

— Яқинда маҳалламиз ёшлари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу жараёнда уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!» мавзусида суҳбат ўтказдик, — дейди ҳудуд профилактика инспектори Ҳасан Сиддиқов. — Суҳбат мобайнида фарзандларимизнинг кенг дунёқарашга ва улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдик. Уларнинг ҳар бири ўз нуқтаи назарига, қатъий позициясига эга.

Маҳаллада болаларни таълим, маданият ва спорт муассасаларида ташкил қилинган тўгаракларга жалб этиш, айниқса, кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда улар учун тумандаги 15-сонли болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби, 18- ва 41-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 169-умумтаълим мактаби, шунингдек, Олим Хўжаев ҳамда Ибн Сино номидаги, «Оқтепа», «Зафаробод», «Исломобод» ва бошқа маҳаллалардаги сунъий қопламали футбол майдонларидан иборат мажмуаларда бепул тўгараклар фаолият юритаётир.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатмасдан қолмаяпти. Хусусан, ўтган мавсумда маҳалланинг «Илғор» жамоаси Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган гимнастрада мусобақаларида фахрли 3-ўринни эгаллади.

Юксак маънавиятли, соғлом, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш нафақат фуқаролар йиғинлари ва уларнинг комиссиялари, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур».

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Пайариқда янги марказ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Самарқанд вилоятида 95 та шундай марказ бунёд этиш режалаштирилган.***

**Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»**

Пайариқ, Оқдарё ва Жомбой туманларидаги маданият марказларининг очилиши чинакам байрамга айланди. Зотан, бу марказлар минглаб истеъдодларни тарбиялашга, аҳолининг мазмунли дам олишига имконият яратади. Хусусан, Пайариқ туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида 150 нафардан зиёд ёш саккиз турдаги санъат ва спорт тўгаракларига қатнаяпти, 400 ўринли томоша залида концерт, байрам тадбирлари уюштирилмоқда.

Марказда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

# Пойтахтимиз янада чирой очмоқда

***Тошкент шаҳрини янада ободонлаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда махсус техника воситалари ишини мониторинг қилишнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу тизим маиший чиқиндиларни утилизация қилишни ягона тизимга келтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, кўчаларда тозаликни таъминлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.***

**Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.**

Тошкент ҳақли равишда дунёдаги энг обод ва тоза шаҳарлар қаторидан ўрин олган. Мустақиллик йилларида шаҳарни ободонлаштириш, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида пойтахтимиз қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, шаҳар ободонлаштириш хизматлари замонавий махсус техникалар ва механизация воситалари билан таъминланмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш тизими модернизация қилинмоқда.

— Ушбу тизимнинг самарали фаолият юритаётгани санитария ва эпидемиология ҳолати барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исмоил Саъдуллаев. — Икки минг нафардан зиёд ходимимиз ҳар куни ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Улар маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш тизимини модернизация қилиш, махсус техника воситалари ишини мониторинг қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳар бир машина учун мақбул йўналиш ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг аксарияти GPS-мониторинг тизими орқали мунтазам текшириб борилмоқда. Шундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида «Махсустранс»га келиб тушаётган мурожаатлар сонини сезиларли камайтиришга эришилди. Жумладан, авваллари кунига олтмиштагача ариза келиб тушган бўлса, энди уларнинг сони ойига бир нечтани ташкил қилмоқда.

— Маҳалламизда етти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳад Раҳматов. — Шунинг учун иккита махсус пунктда катта миқдорда маиший чиқиндилар тўпланади. Илгари махсус хизматлар фаолияти устидан шикоятлар кўп кузатиларди. Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида барча чиқинди ўз вақтида олиб кетилмоқда, уларни тўплайдиган пунктлар тартибга келтирилмоқда. Аҳоли ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқда.

Аҳоли сонининг кўпайиши ва турмуш фаровонлигининг ошиши билан маиший чиқиндилар ҳажми ҳам ортиб бормоқда — уларнинг кунлик ҳажми қарийб икки минг тоннани ташкил этмоқда. Шаҳарда аҳоли маиший маданияти даражасини ошириш ва барқарор санитария-эпидемиологик ҳолатни сақлаш мақсадида янги пунктлар ва модуллар қурилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 200 пункт ва 100 модул фойдаланишга топширилди.

Автотранспорт корхоналари паркини янгилаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил 74 янги махсус машина — «MAN» русумли 22 самосвал, «Isuzu» русумли 36 автотранспорт ва бошқа техника воситалари харид қилинди.

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар пойтахтимизда барқарор санитария-эпидемиологик ҳолатни сақлаш, кўчалар, маҳаллалар ва тураржой даҳаларида тартиб ва тозаликни таъминлашга ёрдам бермоқда.

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

# Иштиёқ бор жойда унум, интилиш бор жойда барака бўлади



*Озоданинг тадбиркорликка иштиёқини сезган йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муродбекова уни маҳалла ҳузуридаги «Маслаҳат маркази»га бошлади.*

**Фарҳод ЭСОНОВ
«Mahalla»**

Илк суҳбатдаёқ унинг: «Режаларим амалга ошса, маҳалладаги 5-6 нафар хотин-қиз ишли бўларди», деган сўзи маслаҳатчига маъқул тушган эди. Шу боис кечиктирмай кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш ҳамда банкдан кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашилди. Банкдан 8 миллион сўм имтиёзли кредит олинди.

Кўп ўтмай маҳаллада «Озода — Муштарий бизнес» кичик корхонасига асос солинди. Айни вақтда нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 8 нафар хотин-қиз иш билан банд. Ёш тадбиркор банкдан яна 45 миллион сўм сармоя олиш ҳамда қўшимча 15 та иш ўрни ташкил этиш ниятида.

— Бир вақтлар фақат маълумотнома олиш учунгина маҳалла идорасига мурожаат этилган бўлса, бугун фуқаролар илгари маҳаллий ҳокимият ваколатига кирган ўттиздан зиёд ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан фуқаролар йиғинидан кўмак олишмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги «Янги себзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муродбекова. — Маҳалламиз нафақат аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, балки оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айланиб бормоқда. Фаолиятимизда аҳолини, айниқса, аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Фуқаролар йиғини кўмагида иш бошлаган «Аъло-омад-ривож» тикувчилик корхонасида 20 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, корхонада касаначилик йўлга қўйилган, уйда ўтирган аёлларнинг 30 нафари иш билан машғул.

Ҳафтанинг жума кунлари йиғин қошидаги «Қайноналар мактаби»да давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган. Унда маҳалла кайвонилари, намунали оилалар вакиллари иштирок этиб, уйда ўтирган келинларни ишга жойлаштириш, касбга ўргатиш каби масалаларни муҳокама қилишади. Бунинг самараси ўлароқ, ҳудуддаги «Шаҳноза» ўқув марказига аёллар жалб этилмоқда. Бу ерда улар 20 та йўналиш бўйича ҳунар ўрганишмоқда. Тикувчилик цехида 8 нафар аёл меҳнат қилаётган бўлса, 12 нафар хотин-қиз касаначилик асосида иш юритмоқда.

Айни пайтда маҳалла фаоллари ёш келин-куёвлар учун «Маслаҳат мактаби», шунингдек, «Рақс тўгараги», хорижий тилларни ўргатиш марказини очиш ниятида.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# Савоб ишнинг салмоғи баланд

***«Маҳалла» хайрия жамоат Фонди Тошкент вилояти Зангиота тумани бўлинмаси жорий йилнинг иккинчи чорагида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали 250 та хонадонга 25 мингта парранда тарқатди.***

**Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА
«Mahalla»**

Бўлинма томонидан фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир. Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар ҳамкорлигида ёлғиз кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилаларга кўмак бериб, улар ҳолидан мунтазам хабар олинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Фонд бўлинмаси, фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳомийлар томонидан 66 та кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқарога 3 миллион 225 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

— Савоб ишнинг салмоғи баланд, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Зангиота тумани бўлинмаси раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев. — Беморлар ҳолидан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ногиронларнинг кўнглини кўтариш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан. Куни кеча Фонд ҳисобидан 40 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон оила фарзандига пойтахтимиздаги «Локомотив» маданият ва истироҳат боғига саёҳат уюштирилди.

Фонд бўлинмаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан «Масалбой» маҳалласидаги уруш қатнашчиларига 3 та музлаткич, 3 та чангюткич, 1 та микротўлқинли печ ҳамда пул мукофотлари топширилди.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Эркин қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Қурилиш» маҳалласидан Вера Нортоева. — Иккинчи гуруҳ ногирониман. Ўғлимни уйлантирмоқчиман. Шу боис маҳаллага моддий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Йиғин фаоллари аризамни ўрганиб чиқишгач, Фонднинг Зангиота тумани бўлинмаси томонидан моддий ёрдам пули берилди.

Бўлинмага Эшонгузар қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Нурафшон» маҳалласи фуқаролари коммунал тўловларни тўлашда ёрдам беришларини сўраб ариза ёзишган. Бу ишларга бўлинма ҳисобидан зарур маблағ ажратилди.

Бўлинма ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига ҳам кўмаклашмоқда. Натижада маҳаллада кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилалар сони тобора камаймоқда.

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# Тарғиботда таъсирчан усуллар қўлланмоқда

***Наманган шаҳридаги «Ғишткўприк» маҳалласида истиқомат қилувчи Қодир Раҳматуллаев (мақолада исми-шарифлар ўзгартириб берилмоқда) оилали, уч нафар фарзанднинг отаси бўлсада, бирор касб-корнинг бошини тутмади. Топганини улфатчиликка сарфлаб, оиласини ўйламади.***

**Жамшид БЕК
«Mahalla»**

Кўчадаги танишларининг оғиз кўпиртириб айтган гапларига учдими, мўмай пул топиш истагида хорижга отланди. Шу кетганича бир неча йил ундан хат-хабар бўлмади. Иттифоқо, бир кун уйига қайтиб, чет мамлакатда «зўр» иш топганини, оиласи билан ўша ёққа бориб ишласа, катта даромад олишларини башорат қилди.

Аёли Муҳаррам уч боласини ёнига олиб, унинг ортидан эргашди. Афсуски, уларнинг умид-ишончи оқланмади, аксинча, қаттиқ пушаймон чекишга тўғри келди... Боиси, Қодир не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошини ва уч фарзандини қарзлари эвазига ўзга юртда гаровга қўйиб, ўзи домдараксиз кетди. Муштипар аёл эрининг қарзларини узиш учун не кўйларга тушмади, дейсиз. Шукрки, ўша ердаги саховатпеша, ҳожатбарор инсонлар ёрдамида ўзи ва болаларининг ҳужжатларини қайтариб олиб, минг машаққат билан она юртига қайтиб келди.

Одам савдоси балосига гирифтор бўлиб, азоб-уқубат чеккан она ва болалар маҳалла-кўй эътиборидан четда қолмади. Фуқаролар йиғини фаоллари, қолаверса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси вакиллари бу оилага яқиндан кўмак бериш ва қўллаб-қувватлаш учун барча чораларни ишга солдилар.

— Ўз оиласини хорижда сарсон-саргардон қилган шахс тегишли жазосини олди, албатта, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси Насиба Аҳмедова. — Бугун унинг фарзандлари таълим даргоҳларида ўқишни давом эттиришмоқда. Оила соҳибаси эса тикувчилик цехига ишга жойланди. Маҳалла, ҳомийлар кўмагида улар ҳолидан тез-тез хабар олиб турилибди.

Юқоридаги каби воқеалардан хулоса чиқариб, одам савдоси ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида маҳаллаларда тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтирганмиз. Бу каби тадбирларга уй бекаларини, оила ташвишлари билан банд бўлиб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этолмаётган опа-сингилларимизни жалб этяпмиз. Натижада хотин-қизлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони камаймоқда. Мисол учун, 2012 йилда шаҳар бўйича аёллар иштирокида 82 та ҳуқуқбузарлик қайд этилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 63 тага тушди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса бу рақам яна бирмунча камайди.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар бошчилигида фаол аёллар, зиёлилардан иборат тарғибот гуруҳлари самарали иш олиб бормоқда. Ушбу гуруҳлар ноқобил ва нотинч оилалар, ҳуқубузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бор хотин-қизлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказяпти. Бунда асосий эътибор одам савдоси ҳамда диний ақидапарастлик, миссионерлик каби иллатларнинг моҳиятини очишга қаратилаётир.

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ — ТАДБИРКОР

# Эътибор ва кўмак ташаббусга ундайди

***Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Оқолтин туманидаги Гидромелиорация ва саноат касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирокида ўтказилган тадбир ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга жуда қўл келди.***

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

Унда тумандаги тижорат банклари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, тажрибали ишбилармонлар тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлган ёшларнинг бизнес-режалари билан танишишди, уларга зарур йўл-йўриқлар беришди. Ўз ишини бошлаш арафасидаги ёшлар ҳокимлик қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан «Ёш авлод» гувоҳномаси ҳамда муҳр олиш, ҳисоб рақами очиш каби хизматлардан имтиёзли фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини маҳалла фуқаролар йиғинининг кафолат хати билан бериш йўлга қўйилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Оқолтин тумани бўлинмаси раиси Ҳусан Жумабоев. — Бунда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ёш йигит-қизга оилавий шароити, оиланинг даромади ва бошқа мулкий аҳволи ҳақида банк бошқарувига асосланган маълумотномани кафолат тарзида тақдим этилишига кўмаклашяпмиз.

Айни пайтда вилоятдаги 52 та коллежнинг 1855 нафар битирувчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларга умумий миқдори 9 млрд. 989 млн. сўм имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар 25 нафар битирувчига 149,2 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашувларда давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари билан бирга тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари ҳам иштирок этишмоқда. Ёшларга фермерлик фаолиятининг афзалликлари, аҳамияти тушунтирилаётир. Тарғибот тадбирлари натижасида ҳудуднинг 733 нафар битирувчиси фермер хўжалиги ташкил қилишга қарор қилди. Мутасадди ташкилотлар томонидан ёшларнинг бизнес-режаларини ўрганиб чиқиш, тижорат банкларидан уларнинг имтиёзли кредит олишларига кўмаклашиш каби амалий ишлар олиб борилмоқда.



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН



# Истиқболли лойиҳалар юксак тараққиёт кафолатидир

< [1]

Мазкур ҳудуддаги «Telecom innovations» қўшма корхонаси 2010 йилда Сингапурнинг «Servetechno PTE. Ltd» компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамда «Telmax Elektroniks» ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигида иш бошлаганди. Дастлаб корхонада рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган қурилмалар (Set-Top Box) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилда Хитой Халқ Республикасига ташрифи мазкур корхона салоҳиятини ошириш имконини берди. Шу пайтдан бошлаб икки томонлама келишувларни ривожлантириш учун битимларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Хитойнинг «ZTE» компанияси қўшма корхона уставига тўғридан-тўғри инвестиция киритиб, юқори тезликдаги интернет алоқасини таъминлайдиган ADSL-модем ва DSLAM-телекоммуникацион қурилмаларини ишлаб чиқара бошлади.

Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, фаолиятни яна қўшимча техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида таъсисчилар томонидан инвестициялар киритилиб, интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятини берувчи IPTV (Set-Top Box)лари ва «Home gate way» қурилмаси ишлаб чиқарила бошланди. Қўшма корхона устав фонди 4,8 миллион АҚШ долларига оширилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хориж инвестицияси асосида фаолият юритувчи корхоналар учун солиқ тўловларида белгиланган имтиёзлар мавжуд. Жумладан, киритилган инвестициялар ҳажми 3,0 миллион евродан ошганда ер, мол-мулк, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва шуларга тенглаштирилган бошқа мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

— Бу имтиёз бизга фаолиятимизни янада ривожлантириш имконини берди, — дейди корхона директори ўринбосари Умид Абдуллаев. — Шунингдек, янги замонавий технологияларнинг кириб келиши сифатли маҳсулотлар тури ошишига хизмат қилаётир. 2013 йилда IPTV (Set-Top Box)лари ва «Home gate way» қурилмаларини ишлаб чиқариш босқичма-босқич йўлга қўйилиб, харидоргир, рақобатбардош ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Ўтган йили корхонада йиллик режа 100,01 фоизга бажарилди.

Истеъмолчиларнинг телекоммуникация маҳсулотларига талаб ва истакларини тўла қондириш учун қўшма корхонада ташкил этилган бошқарув ҳамда сифат менежмент тизими ташкил этилаётир. 2013 йил декабрь ойида ISO:9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежмент тизими жорий қилинди.

Умид Абдуллаевнинг таъкидлашича, қўшма корхона тайёр маҳсулотларнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида импорт бутловчи қисмларнинг пластмасса корпусларини ва турли ўлчамли кабелларга коньектура ўрнатадиган ускуналарни олиб келишни кўзда тутган. Шунингдек, харидорлар билан ишлаш, уларнинг хоҳиш-истакларини тўла қондириш мақсадида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Навоий шаҳрида филиали ва Тошкент шаҳридаги «Uzdigital.TV» қошида «Сервис марказ»лари очилди.

Бундан ташқари, бозорда ўз ўрнини топиши ва кўпроқ харидорларни жалб этиш учун қўшма корхонанинг tinfiez.uz сайти ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, ҳамкорларнинг кенгроқ маълумот олишига имкон туғдираётир.

Шуниси эътиборлики, корхона билан Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежи ўртасида тузилган шартнома бўйича, ҳар йили бу ерда 4 нафар битирувчи иш бошлайди. Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази» филиали билан ҳамкорликда ўқув курслари ҳам ташкил этилган.

Жорий йилда юртимизга ташриф буюрган Япония ҳамда Корея Республикаси делегациялари Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида бўлиб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш таклифини билдиришди. Бу эса келгусида истиқболли режаларнинг амалга ошишидан далолатдир.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

# Покиза бўлса уйинг, нурга тўлади кўнглинг

< [1]



— Ҳовлимиздан ўрин олган янги мажмуа биз учун жуда катта қулайликлар туғдирди, — дейди Жарқўрғон тумани «Исмоил тепа» маҳалласи фуқароси Зебо Қобилова. — Очиғи, бундай ихчам ва шинам санитария маданияти мажмуасига эга бўлишни орзу қилардик. Оила аъзоларимиз саломатлигини таъминлашда иншоот беқиёс аҳамиятга эга. Шу пайтгача 3 нафар фарзандни ювинтириш осон кечмаган. Айниқса, қиш кунлари улардан, албатта, бири шамоллаб қоларди. Замонавий мажмуада энди уларни ҳар куни чўмилтирсам ҳам, соғлиқларидан кўнглим тўқ.

— Тўрт нафар фарзандим, турмуш ўртоғим, қайнотам ва қайнонам билан қўшиб ҳисоблаганда жами 8 кишининг кийим-кечагини тез-тез ювишга тўғри келарди, — дейди уй бекаси Соҳибжамол Шукурова. — Қишнинг аёзли кунларида ташқарида кир ювиш машаққатини-ку айтмай қўя қолай. Замонавий мажмуа биз аёлларни ана шундай заҳматлардан аритадиган бўлди.

Вилоятнинг Термиз шаҳридаги «Ишчилар», Ангор туманидаги «Гулзор», Бойсун туманидаги «Қорабўйин», Сариосиё туманидаги «Наврўз», Денов туманидаги «Янгиҳаёт», Жарқўрғон туманидаги «Исмоил тепа» маҳаллаларида миллий архитектура асосида бунёд этилган ўнлаб замонавий санитария маданияти мажмуалари фойдаланишга топширилди.

Эътиборли жиҳати, аҳоли ўртасида бундай ихчам иншоотларни қуришни тарғиб қилиш учун меъморлар, маҳаллалар фаоллари, шифокорлар, ёш оилалар, тадбиркорлар ва қурувчилар иштирокида кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда.

— Аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, оилаларда санитария ҳолатини яхшилаш бўйича жойларда ташкил этилаётган кўргазмали семинарларнинг аҳамияти катта бўлаётир, — дейди Термиз тумани «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулхумор Усмонова. — Тахминан 5 миллион сўм маблағ эвазига қуриладиган санитария маданияти мажмуасини кўпчилик оилалар қариндош-уруғ ҳамда қўни-қўшнилари кўмагида ҳашар йўли билан бунёд этишга киришишган. Меъморлар уни ҳовлининг қайси қисмида ва қандай қуриш кераклиги ҳақида тегишли маслаҳат ва кўрсатма бераётгани аҳолига қўл келмоқда. Бундай иншоотларни маҳалламизда биринчилардан бўлиб бунёд этишни бошлаган Норбой Дониёров, Бобомурод Ўролов, Муҳаммади Ортиқов сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда.

Жойларда бунёд этилаётган бундай янги санитария маданияти мажмуалари аҳолининг санитария-гигиена маданиятини ошириш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш ҳамда хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилишда улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

# Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: **«Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларида ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш»**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*— **«Ватан фаровонлиги оиладан бошланади»** шиори остида лойиҳаларни амалга ошириш;*

*— аҳолининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидан хабардорлигини ошириш, маҳаллий экологик вазифаларни ҳал этишда аҳоли иштирокини таъминлаш;*

*— соғлом турмуш тарзини, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;*

*— атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;*

*— атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллари олдини олишга кўмаклашиш;*

*— ННТларнинг маҳаллалар билан шерикликда бажариладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;*

*— аҳолининг турли гуруҳлари орасида юқумли касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш, профилактик чора-тадбирлар борасида хабардорлигини юксалтириш;*

*— атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳоли саломатлигини мутсаҳкамлашга ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксалтиришга кўмаклашиш;*

*— соғлом авлодни вояга етказишда таълим ва спортнинг аҳамиятини янада кучайтириш, болаларни баркамол ривожлантириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар билан таъминлаш;*

*— ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги аёлларни сифатли ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминлашга кўмаклашиш;*

*— ижтимоий инфратузилма объектларида энергия ва сувни тежаш, замонавий чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)* шунингдек, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат **9-30** дан **17-00** га қадар.

Танловда давлат рўйхатидан ва ҳисобидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов мавзуси: **«Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш»**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*— ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари саъй-ҳаракаталарини бирлаштириш;*

*— оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;*

*— болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;*

*— хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*

*— аҳолини ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд гуруҳларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, улар бандлигини таъминлаш;*

*— янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;*

*— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;*

*— республиканинг чекка туманларидаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;*

*— болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳаллаларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;*

*— болалар ва аёлларни оммавий спорт турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада анъанавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;*

*— болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;*

*— мураккаб ҳаётий шароитда қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмак кўрсатиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат **9-30** дан **18-00** га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов мавзуси: **«Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларни, айниқса, қиз болаларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш»**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*— кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*

*— ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини, турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;*

*— болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, қаровсиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;*

*— етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;*

*— алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;*

*— ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни фаровон ва соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;*

*— тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;*

*— болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф-муҳит муҳофазаси борасида тассавур шакллантириш;*

*— таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида ижодий интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;*

*— **«Бир болага етти қўшни ота-она»** шоири остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;*

*— ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;*

*— ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида кўп асрлик ва синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат **9-30** дан **18-00** га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.